XALQ DEPUTATLARI TOSHKENT SHAHAR KENGASHINING
Q A R O R I

2021 йил «19» ноябрь VI-50-126-14-0-K/21 Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Яккасарой туманидаги “Яккасарой” қабристонини қайта номлаш ва унга “Фозилота” номини бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги, “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги Қонунларига асосан ҳамда Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича шаҳар комиссиясининг 2021 йил 15 августдаги 07-Б-24-сонли йиғилиш баёни ва Яккасарой тумани ҳокимлигининг 2021 йил 15 сентябрдаги 01-08/228-сонли хатини инобатга олиб, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Яккасарой тумани ҳокимлигининг 2021 йил сентябрдаги мурожаат хати ва Географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича шаҳар комиссиясининг 2021 йил 15 августдаги 07-Б-24-сонли йиғилиш баёни маълумот учун қабул қилинсин.

2. Яккасарой тумани ҳокимлигининг “Яккасарой туманидаги “Яккасарой” қабристонини қайта номлаш ва унга “Фозилота” номини бериш тўғрисида”ги таклифи маъқуллансин.

3. Яккасарой туманидаги “Яккасарой” қабристонини қайта номлаш ҳисобига унга “Фозилота” номи берилсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари (Д.Рахимова), Ободонлаштириш бош бошқармаси (С.Уматов), Фуқароларга хизмат кўрсатиш бошқармаси (С.Ибрагимов), Яккасарой тумани ҳокимлиги (А.Сайфутдинов)

мазкур қарорга асосан тегишли ҳужжатларга ўрнатилган тартибда ўзгартиришлар киритилсин ҳамда бу борада зарур чораларни кўрсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги матбуот хизмати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (А. Ахмаджонов) мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва www.toshkent.uz расмий веб-сайтига жойлаштирилишини таъминлаш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан сўнг кучга киради.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Ш.Сагдуллаев ва Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Д.Рахимова зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими **ARTIKXODJAYEV J. A.**